



**АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА ДИНИЙ ҚАРАШЛАР**

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-9>

**Абдурахмонова Ирода Холйигитовна,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти ўқитувчиси**

АННОТАЦИЯ

Мақолада Абу Мансур Мотуридий яшаган IX-X асрлар Мовароуннахрдаги сиёсий - ижтимоий, диний – ақидавий ҳолат ва бу ҳолатга дин пешволарининг таъсири очиқ берилган. Шу билан бирага мотуридия таълимотининг яратилиши ва Мовароуннахр ўлкаларига тарқалишига сабаб бўлган омиллар тарихий асарлар асосида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: калом, халифа, волий, ақида, фикҳий мазҳаб, эътиқодий мазҳаб, муржиийлар, қарматийлар, мўътазиллийлар, қадария.

**СОЦИАЛЬНО –ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ И РЕЛИГИОЗНЫЕ
ВЗГЛЯДЫ ВО ВРЕМЯ АБУ МАНСУРА МОТУРИДИИ**

**Абдурахманова Ирода
Халйигитовна,**

преподаватель Ташкентский институт инженеров
ирригации и механизации сельского хозяйства

АННОТАЦИЯ

Данная статья о теология Абу Мансура Мотуридий и распространение этого учение в Мавероуннахре в IX-X века. Теология Мотуридий хотя было очень известно в исламском мире, но его учение и книги не были так широко известны в Средней Азии. Эти черты были раскрыты с помощью историческими источниками и были изучены с научной точки зрения.

Ключевые слова: Маверауннахр, матуридия, ашъария, теология, фикх, тафсир, тежвид, имам, калям, богословие, усул-ид-дин, мазхаб, илмут-тавхид, мутакаллим, язычник, ересь.


**SOCIAL –POLITICAL PROCESSES AND RELIGIOUS VIEWS
IN THE PERIOD ABU MANSUR MOTURIDIY LIVED**

Abdurahmanova Iroda,

Teacher of the Tashkent Institute of
Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

ANNOTATION

It is described in the article data about sociopolitical, religious dogmas in Mavaraun-



nahr in IX-X centuries, the period Abu Mansur Moturidiy lived, and influence of religious leaders on that situations. Furthermore, the creation of Moturidy teachings and factors caused that teachings being spread throughout Maveraunnahr are analyzed by historical works.

Key words: Maveraunnahr, maturidiya, ashariya, theology, fikh, tafsir, tajvid, imam, dogma, divinity, usul-ud-din, sect, ilmut-tavhid, mutakallim, pagan, heresy.


Ҳар бир тарихий шахснинг ҳаётини ўрганишда унинг яшаган даврини синчиклаб кўриб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Имомул-ҳудо (Ҳидоятга элтувчи имом), Қудрату-аҳлис-сунна (Аҳлис-сунна пешвоси), Мусаҳҳиху ақоидил-муслимин (Мусулмонлар ақидасини ислоҳ этувчиси), Имомул-мутакаллим (Калом илми олимларининг пешвоси), Рабибу аҳлис-сунна (Аҳлис-сунна вал-жамоа тарбиясини олган), Ал-Имом аз-Зоҳид (Дунёни тарк этган имом), Аш-Шайх ал-Имом каби шарафли унвонлар соҳиби Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганар эканмиз, Аллоҳнинг мислсиз қудрати кўз ўнгимизда намён бўлади. Бундан Мотуридий яшаган даврнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳолати ва вазияти шундай улуғ мутафаккирга эҳтиёж сезаётганини англаш мумкин. Шундай экан, бу улуғ авлиёнинг энг зарур макон ва замонда дунёга келиб, мотуридия ақидасини яратганининг ўзи бир илоҳий мўъжизадир.

Имом Абу Мансур Мотуридий яшаган давр аббосийлар давлати ҳукмронлигининг иккинчи босқичи, яъни IX асрнинг охири X асрнинг бошлари, аббосийлар давлатининг парчаланаётган вақтига тўғри келди. Бу даврнинг энг муҳим хусусияти шундаки, сиёсий майдонда аббосий халифаларининг заифлашуви, турк ва форс халқларининг кучайишига ўхшаш омиллар туфайли турли давлатлар пайдо бўлган эди. Жумладан, шу давлатлардан бири Сомонийлар давлати (819-999йй) бўлиб, бу давлатга Нуҳ ибн Асад асос солди.

Сомонийлар ҳукмронлик қилган IX-X асрлар Ўрта Осиёда илму- маърифат гуллаган давр ҳисобланади. Шу боис ҳам швецариялик шарқшунос олим бу даврни «Мусулмон Ренессанси» деб атади [1].

X асрда мустақил давлат сифатида тарих саҳнасига чиқган Сомонийлар давлатидаги Бухоро, Самарқанд, Шош, Фарғона, Кеш, Насаф, Соғониён, Хутталон, Термиз каби машҳур шаҳарлар илм ва маърифат марказлари ҳисобланган. Абу Мансур Мотуридий айнан шу муҳитда яшаб, ижод этди. Шу билан бирга унинг шогирдлари ва издошлари юқорида тилга олинган шаҳарларга тарқалиб ўз фаолиятларини олиб бордилар. Бунинг натижасида ислом оламида мотуридия мактаби яралди ва Мотуридийнинг ақидаси йўлчи юлдуз бўлиб порлади.

Сомонийлар сулоласи қадимдан машҳур бўлган оила вакиллари эдилар. Уларнинг катта бобосининг исми Баҳром ибн Жур бўлган. Бу оила уммавийлар даврида исломга кирган бўлиб, ўша вақтларда уларнинг юртида умавий Холид Касрий волий эди. У аслзода оилаларни исломга жалб қилишга алоҳида аҳамият берар эди. Холид Касрий ўзига Сомонни яқин олиб ҳурматини жойига қўйди ва Сомон унинг қўлида исломни қабул қилади. Вақти келиб, Холид Касрий Сомонни Балхга волий этиб тайинлайди.



Абу Бакр ибн Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” асарида Сомонийларнинг тахтга келиш тарихини қуйидагича келтиради: ”Маъмун халифаликка ўтиргач,[2] Ғассон ибн Уббод Хуросонга амир бўлди. Маъмун унга, Асад ибн Сомонхудоднинг ўғилларига Мовароуннахрнинг айрим шаҳарлари ҳукмронлигини беришни буюрди: Ғассон ибн Уббод уларнинг ҳар бирига ўша қилган садоқатлари, яъни улар Асад ибн Сомонхудоднинг ўғиллари, халифа Хорун-ар Рашидга Самарқандаги Рофе ибн Лайс кўзғолонини бостиришга ёрдам берганликлари эвазига биттадан эътиборли шаҳарни берди: Нух ибн Асадни Самарқандга, Аҳмад ибн Асадни Марвга амир қилиб тайинлади. Бу воқеа 817 йил 20 июль - 818 йил 9 июль бўлган эди. Ғассон Хуросон амирлигидан маҳрум этилиб,[3] Тоҳир ибн Хусайн Хуросон амири бўлганда [4] ҳам Тоҳир у вилоятларни Асаднинг ўғиллари қўлида қолдирди ва уларнинг энг каттаси бўлган Нух ибн Асадга сарпо кийгизди. Нух ибн Асад то дунёдан ўтгунигача Самарқандда бўлди ва биродари Аҳмад ибн Асадни (ўз ўрнига) халифа қилди. Аҳмад ибн Асад олим ва порсо киши эди, у то вафот этгунича Самарқандда бўлди ва (вафоти вақтида) ўғли Наср ибн Аҳмад ибн Асадни ўз ўрнига халифа қилди. У отасининг ўрнига ўтиргач, икки юз эллик биринчи йили рамазон ойининг бошида (29 сентябрь 865) шанба куни унинг номига халифа Восиқ биллоҳдан Мовароуннахрнинг амирлиги унга берилганлиги тўғрисида фармон келди. Кейинчалик, 261/875 йилларда халифа Муътамид Наср ибн Аҳмад вафотидан кейин унинг укаси Исмоил ибн Аҳмадни Мовароуннахр волийси этиб тайинлайди. Шу даврдан бошлаб Сомонийлар давлатига асос солинди” [5].

Хусусан, Исмоил Сомоний даврида сомонийлар Мовароуннахр, Хуросон, Эрон ва ҳозирги Афғонистоннинг катта қисмини, шунингдек Тошкент ва Исфинжоб (Сайрам) устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатган эдилар. Сомонийлар йирик ер эгалари, руҳонийлар ҳамда йирик савдогарларнинг кўмагига таяниб, феодал тарқоқлик ва ички низоларга барҳам бердилар.

Наршахийнинг ёзишича сомонийлар Или водийсида ва Сирдарё бўйида кўчиб юрган қарлуқларнинг Мовароуннахрнинг ички туманлари устига қилиб турган хуружларига ҳам барҳам бердилар (873й). Уларнинг энг катта ютуқларидан бири–шиаликка асосланган саффорийлар давлатининг йўқ қилиниши бўлиб, бу воқеа мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий жихатдан ривожланишига йўл очди.

Исмоил Сомоний даврида ўрнатилган тинчлик, сиёсий барқарорлик ва илм аҳлига яратиб берилган шароитлар диний ва дунёвий билимларнинг ривожланишига замин яратди. Ҳаттоки, Самарқанд ўша даврнинг энг муҳим илм маркази ҳисобланган Бағдодни ҳам ўзининг илмий салоҳияти ва эришилган натижалари билан ортда қолдирди. М.Хайруллаевнинг фикрича, Самарқанднинг Буюк Ипак йулида жойлашгани диний илмлар билан бир қаторда дунёвий фанларнинг ҳам ривожланишига ёрдам берди [6]. Бу даврга келиб, ўзга мамлакатлар билан нафақат иқтисодий, балки маданий алоқалар ҳам ривожланган эди. Сомонийлар тузган мустақил давлат натижасида «Буюк ипак йўли» орқали дунёнинг тўрт бурчагидан фақат олтинлар эмас, фикрлар ҳам оқиб кела бошлаган[7].

Дархақиқат, “Буюк ипак” йўли, унинг атрофида жойлашган халқлар маданияти цивилизациясига ва давлатлар ижтимоий-сиёсий аҳволининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатган давлатлар қаторига албатта, Сомонийлар давлати ҳам киради.

Машхур тарихчи олим Ибн ал-Асир: “Сомонийлар давлати ер юзида кенг ёйилиб, кўп жойларни эгаллаган ҳамда сийрат ва адолат жиҳатидан энг яхши давлатлардан эди” [8] деб эътироф этган.

Яна бир энциклопедист олим Ибн Халликон сомонийлар давлати амирларини шундай таърифлайди: “Сомонийлар подшоҳлари Мовароуннаҳр ва Хуросон султонларининг сийрат жиҳатидан энг яхшилари эди. Улардан ким подшоҳликка ўтирса “ султонлар султони” деб аталар ва шу ном билангина танилар эдилар. Одатда улар адолатли, заковатли ва илмли кишилар бўлганлар” [9].

Ибн ал-Асир Сомонийлар давлатининг султонларидан Аҳмад ибн Асадни шундай таърифлаган: “Аҳмад ибн Асад тамаъ қилмайдиган ҳамма яхши кўрадиган киши бўлиб, унинг одамлари пора олмас эди”. Жумладан, ушбу султоннинг ўғиллари ҳақида ҳам шундай фикрларни билдирган: “Исмоил оқил, адолатли, халқига яхши муносабатда бўладиган, юмшоқ одам эди” [10].

Сомоний амирларининг шариат ҳукмлари асосида олиб борган одил ва қатъий сиёсатлари натижасида Мовароуннаҳр шаҳарларида мўл кўлчилик бўлган, турли хил фитналарга барҳам берилган. Ўша даврда ҳатто маҳаллий аҳоли, “агар бирон дарахт Сомон давлатига қарши чиқса албатта қуриб қолади” деб айтишарди. Албатта, бу тинч, фаровон ҳаёт илм аҳлининг самарали фаолият олиб боришига ёрдам берган.

Сомонийлар давлатининг гуллаб яшнаши ва ўлкадаги фаровон ҳаёт 388/988 йилгача давом этди. Шу йили сомонийлар давлати, бир тарафдан, Сабуктегин оиласи, иккинчи тарафдан, Турк хоқонлиги томонидан қулатилди.


Сомонийлар мазкур минтақада бир-бир ярим аср давомида ҳукм сурди. Бу даврда бир қатор ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан:

-Сомонийлар даврида ислом тамаддуни ривож топди кенг тарқалди. Бухоро, Самарқанд, Балх, Насаф каби шаҳарлар халқаро илмий марказларга айланди. Илм аҳли бу жойларда кўплаб йиғилди.

-Сомонийлар даврида эл-юрт фаровонлиги юксалди. Машхур тарихчи Макдисий ўша пайтда мазкур диёрларни зиёрат қилиб, яқиндан танишган ва ўзининг “Аҳсан-ут-тақосим фии маърифати аъқолим” номли асарида бу ернинг аҳолиси ҳақида: “Улар ҳақни тутишда одамларнинг энг кучлисидир. Яхши ва ёмонни энг яхши билувчисидир”, деб ёзади.

-Сомонийлар давлатида фақат диний илмлар билан чегараланиб қолинмай, табиий ва адабий илмлар ривожига ҳам аҳамият берилди. Бу давлатнинг саройларидан Рудакийга ўхшаш форс адабиётининг буюк намоянадалари, илмий ишлари билан Мансур ибн Нуҳ даврида кўзга кўрина бошлаган Абу Али ибн Синодек қомусий алломалар етишиб чиқди.

Шайх Муҳаммад Содик бу даврда диний илмлар ҳам ривож топгани, жумладан, Қуръони Карим маънолари маҳаллий тилларга таржима қилинганидан кўриш



мумкинлигини айтиб ўтади. Тўртинчи ҳижрий асрнинг 345 санасида амир Мансур ибн Нух Сомоний, Туркистонлик катта уламолардан бир жамоасини Қуръони Каримнинг ҳаммасини форс, шарқий ва Ғарбий турк тилларига таржима қилишга амр этади. Ўша таржимага Табарий тафсирининг хулосасини зиёда қилишга фармон беради. Бу тафсирлар бизгача етиб келди ва улар Техрон ҳамда Истамбулда чоп этилди” [11].

Шуни тан олишимиз лозимки, Сомонийлар ҳукмронлиги даврида шаклланган илмий-маънавий муҳит, жаҳон илм-маърифатига Абу Мансур Мотуридийдек алломани ҳадя этди.

Х асрнинг ўрталарига келиб эса халифанинг мавқеи заифлашиб, халифаликнинг узоқ минтақа ва вилоятларида марказнинг обрў–эътибори таназзулга юз тутиб, ҳатто батамом йўқолиб бораётган эди. Чет ўлкалар халифага фақат сўзда боғлиқ эдилар. Ҳудудларда халифалик мавқеининг заифлашуви, бирин-кетин ярим мустақил давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Халифаликнинг бундай парокандаликка юз тутиши, ислом динининг софлигини сақлаш учун ҳаракат қилиб келган


Хорун ар-Рашид даврида ташкил этилган “Байт-ул ҳикма” ислом дининг ҳам ривожига ҳам кейинчалик ҳар хил оқимларга бўлиниб кетишига бир сабаб бўлди. Аббосийлар даврида юнон, лотин ва бошқа тиллардаги китобларни таржима қилиш йўлга қўйилди. Мазкур китобларнинг ичида фойдалилари билан бирга зарарлилари ҳам борлиги, улардан зарарлиларининг касофати туфайли мусулмон оламида муржибийлар, қарматийлар, мўътазилийлар, қадария, жабрия каби ботил мазҳаблар тарқалишига олиб келди. Бузуқ мазҳаблардан омон қолганлар ҳам Қуръони Карим ва суннат асосида эмас, балки кўпроқ фалсафа асосида баҳс ва тортишувлар олиб борадиган бўлдилар. Бу ўз навбатида мусулмонлар оммасига ҳам жуда катта таъсир кўрсатди.

Худди шундай ижтимоий-сиёсий ноқулай вазият, ўша даврда яшаган жамоаларга ва яқка шахсларга ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Абу Мансур Мотуридий даврида аббосийлар ҳукмронлиги остида яшаган халқлар араблар, форслар, турклар, яхудийлар, насоролар, қуллардан иборат эдилар. Улардан турк ва форсий қавмлар кўпроқ, араблар озроғини ташкил этарди. Бу хилма-хиллик ўша даврда бугунги кунда миллатчилик деб аталадиган салбий ҳолатни юзага келишига олиб келди. Хусусан, араблар ўз ирқига, форслар ўз ирқига, туркий халқлар ўз ирқига мутаасиблик қилишга ўтдилар. Муҳаммад Содик тадқиқотларида келтирилишича, Мотуридий яшаган даврда зиндиклик (атеизм, динга ишонмаслик, худосизлик) [12] пайдо бўлди ва улар шу йўл билан мусулмонларга зиён етказмоқчи бўлишарди.

Шуниси аҳамиятлики, Аббосийлар зиндиклик ҳаракатига қарши атрофлича кураш олиб боришарди. Халифалар, олимларни зиндикларни тарбиялаш мақсадида уларга қарши китоблар ёзишга, улар ўртасида тушунтиришлар ва мунозаралар олиб боришга, раддиялар беришга чақирарди.

Манбалар асосида Х асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёда, жумладан юртимизда яна бир оқим қарматийларнинг [13] таъсирини кучайганини кўриш



мумкин мумкин. Сомонийлар ҳукмдори Наср II нинг муҳолифи бўлган Хуросон волийси ва сарлашқари Ҳусайн ибн Али Марвазий (Марваруди) ушбу ҳаракат раҳбари эди. У амирга қарши қўзғолон кўтариб, қарматийлар ҳаракатини кенг ёймоқчи бўлди. Аммо, тез тор-мор этилган қўзғолон раҳбари 919 й асирга тушади. Ундан кейин қарматийлар ҳаракатига Муҳаммад ибн Аҳмад Нахшабий бошчилик қилиб, бутун Мовароуннаҳр бўйлаб ушбу ҳаракатни кенг ёя бошлади. Асосий кучи деҳқонлар, ҳунармандлар, бадавийлардан ташкил топган ушбу фирқа тузоғига аста-секин шаҳарлик савдогарлар, амалдорлар, сарой аъёнлари илина бошлаб, уларнинг тарафдорларига айлана бордилар. Улар, айниқса Наср II ҳукмронлигининг охириги йилларида ниҳоятда кучайиб кетдилар, ҳатто амирнинг ўзи ҳам шу фирқа эътиқодини қабул қилади. Натижада Мовароуннаҳр аҳли икки оқим ўртасида қолиб кетадилар ва иккисидан бирини танлашлари кераклиги уларни оғир аҳволга солиб кўяди.

Имом Мотуридий ва унинг замондоши ва шогирди Имом Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандийлар бошлиқ аҳли сунна уламоларининг илмий фаолияти ва жасоратлари туфайли қарматийларга қарши халқ норозилиги кўтарилди. Сарой аъёнлари турк кўриқчи сипоҳийлари ёрдамида подшоҳга қарши суиқасд уюштирдилар, лекин суйиқасд ошқор бўлганига қарамай, Наср II ўз ўғли замона уламоларидан ҳайиқиб, Нуҳ (943-954) фойдасига тахтдан воз кечди. Янги амир қарматийлар доҳийси Нахшабий бошлиқ бидъатчилар ва аҳли сунна раиси Ҳазрати имом ал-Мотуридий бошлиқ сунний оқим вакиллари ўртасида мубоҳаса (бахс, мунозара) ташкил эттиради. Ниҳоят, унда Нахшабий енгилди ва дорга осилади. Шу тариқа Аҳли сунна ва жамоа мавқеи тикланиб, устувор ақида деб эълон қилинади. Бу хусусида тадқиқотчи К.Каттаев ўз изланишларида батафсил ёритишга ҳаракат қилган [14].

Қарматийларга қарши нима учун аҳли сунна вал-жамоа бунчалик кескин чоралар кўришга мажбур бўлдилар? Сабаби, қарматийлар ғоялари сиёсий-ижтимоий ҳаётни издан чиқариб юбориш даражасига етди. Уларнинг айрим ғоялари ва қилган бузғунчиликларини санаб ўтсак.

Қарматийлар:

- Ерга жамоавий эгалик (умумий қуроладан ташқари) ва тенглик ғояларини тарғиб этишган.

- Улар ислом маросимларини бажармаган, шариат қоидаларини тан олмаган, уларда масжидлар бўлмаган.

- Қарматийлар мусулмон зиёратгоҳларини (масалан, Каъба ва уердаги “қора тош” - ал-ҳажар ал-асвад)ни бидъат деб эълон қилганлар.

- Қарматийлар 284/899йил Баҳрайни босиб олиб, Шарқий Арабистонда ўз давлатини тузган. Бу давлат XI аср охиригача мавжуд бўлган.

- Энг ачинарлиси Қарматийлар 318/930 йил ҳаж мавсумида Маккага ҳужум уюштириб, уни талон- тарож этганлар. Зиёратга борганларни ўлдиришган, бир қисмини қул қилишган, у ердаги “қора тош”ни парчалаб, ўлжа қилиб олиб кетиш даражасида қабихликларга боришган [15].

Бундан кўриниб турибдики, бизнинг уламоларимиз қарматийлар оқимининг

тарқатаётган ғоялари нафақат ўз даври балким келажак авлод учун ҳам катта талофотларга олиб келишини англаб, ўз вақтида керакли муолажаларни олиб борганлар.

Юқоридагилардан ташқари Абу Мансур Мотуридий яшаган даврда Ислом оламида эътиқод масалаларида бир-бирига қарама-қарши бўлган хилма-хил ғоялар кенг тарқалган эди. Қадарийлар, шиалар, жаҳмийлар, муътазиллийлар, рофизийлар каби ўнлаб оқимлар ўртасидаги тортишувлар баъзан қонли можаролар билан якунланар эди.



Ана шундай мураккаб даврда Самарқандда Имом Мотуридий ва у каби улуғ уламолар чиқиб, ўзларининг илму-маърифатлари, чуқур ва теран тафаккурлари билан жаҳолатни енгишга ҳаракат қилдилар. Шу тариқа, соф Исломий ақидани сақлаб қолиш учун ўзларининг бор салоҳиятлари ва куч қувватларини аямадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, улар Қуръони карим ва Суннат таълимотлари асосида ҳамда Муҳаммад (с.а.в) саҳобалари услубида ақийда масалаларини ёрита бошладилар. Улар фикҳий мазҳабда аҳли сунна вал жамоа сифатида ислом олами тан олган ҳанафийлар, шофеъийлар, моликийлар ва ҳанбалийлар, эътиқодий мазҳабда эса мотуридия ва ашъария калом мактабларига асос солдилар.

Хусусан, мусулмонларни тарқокликга олиб келувчи ақидавий оқимларга қарши шу муқаддас курашда Абу Мансур Мотуридий биринчилар сафида бўлди [16].

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Мец А. Мусульманский ренессанс.– М.:1973.
2. Маъмуннинг халифаликка ўтирган йили бевосита Ҳорун-ар Рашиднинг халифаликка ўтирган йили -786, вафот йил эса -809
3. Ғассон ибн Уббоднинг Хуросон амирлигидан тушган санаси-821й
4. Тохир ибн Ҳусайн 821-822 й Хуросон амири бўлган.
5. Наршахий. Бухоро тарихи. – Т.:1991й., –Б. 146-147 б
6. Ҳайруллаев М. «Мотуридий даврида Ўрта Осиё маданияти» Ал-Мотуридий ва унинг шарқ халқлари маданиятидаги ўрни. Маърузалар тўплами. – Т., 2000. –Б. 31.
7. Караматов Ҳ. ”Мотуридия таълимоти ва унинг шарқ халқлари ҳаётида тутган ўрни” номидаги халқаро илмий анжуманда сўзлаган маърузасидан. 1999йил 2 декабрь.
8. Ибн Ҳалликон. Ва фаёт ал-аъён. Эҳсон Аббос нашри. – Байрут: Дор содир нашриёти. 5 жилдлик. 1978. 4/245.
9. Ибн ал-Асир. Ал-Комил фит тарих.-Байрут: “ Дор Байрут” нашриёт. X жилрлик. 1968й. 7-жилд/279
10. Ибн ал-Асир. Ал-Комил фит тарих.-Байрут: “ Дор Байрут” нашриёт. X жилрлик. 1968й .7-жилд/279
11. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳидоят имоми. - Т.,2014й. 17-18 б.
12. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳидоят имоми. –Т., 2014. –Б 21.



13. Қарматлар ҳаракати дастлаб Ироқда вужудга келган,Сурия ва яманга тарқалган,кўчманчи бадавийлар, хунармандлар ва дехқонлардан ташкил топган. Ҳаракат ўз номини ташкилот асосчиси Ҳамдон ибн Ашъаснинг лақаби Қармат(Қарматуя,Қирмит)дан олган. Маъноси манбаларда турлича (“калта оёқ”, ”қизил кўз”) тарзида изоҳланган.

14. Каттаев К.Имом ал-Мотуридий издошлари ва Чокардиза. – Самарқанд: 2007. –Б.31-32.

15. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. –Т. 2013. –Б.98-99.

16. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳидоят имоми. – Б. 22.